

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ТАБРИК

Қадрли ватандошлар!
Бутун Ер юзидаги ислом уммати билан бирга жонажон Ўзбекистонимизнинг барча мўмин-мусулмонлари ҳам қутлуғ ва муборак Рамазон ойини хурсандчилик билан кутиб олдилар.

Дунё мусулмонлари учун энг азиз ва қадрли бўлган, барча эзгу ниятлар ижобат бўладиган Рамазони шарифнинг кириб келиши билан сиз, азизларни, бутун халқимизни чин юракдан муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг юксак эҳтиромим ва самимий тилакларимни изҳор этаман.

Аввало, қалбларимизга иймон нуруни бағишлайдиган ушбу улуг айёмни юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик муҳи-тида, оиламиз, эл-юртимиз даврасида кутиб олаётганимиз учун Парвардигори оламга чексиз шукроналар айтамыз.

Маънавий покланиш, сабр-қаноат, хайру саховат фазилатлари зиёда бўладиган моҳи Рамазонни миллий анъана ва қадриятларимизга мос, юксак даражада ўтказиш, юртимиз мусулмонларининг ибодат амалларини эмин-эркин адо этишлари учун барча шароитлар яратилди.

«**Инсон қадри - улуг**» деган олижаноб тамойил-лимиздан келиб чиққан ҳолда, мазкур фазилатли ойда халқимиз манфаатларини таъминлаш, ёш авлодимизни билим-маърифат, яхши ҳулқ-одоб соҳиблари этиб тарбиялаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларни

хар томонлама қўллаб-қувватлаш, жамиятимиз, эл-юртимиз ўртасида меҳр-оқибат ва ўзаро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлаш, муқаддас қадм-жоз ва зиёратгоҳлар, қабристонларни ободонлаштиришга қаратилган савобли ишларимиз янада зиёда бўлади, деб ишонамиз.

Зеро, ҳадиси шарифларда зикр этилганидек, **бу ойда қилинган биргина яхшилик ўн қарра мукофот бўлиб қайтади.**

Минг афсуски, бугун дунёнинг бир қанча минтақаларида нотинчлик, қарама-каршилиқ ва тўқнашувлар содир бўлмоқда, бегуноҳ инсонларнинг қони тўкилмоқда. Биз бутун халқимиз билан бирга яратган Эгамдан дунёда тинчлик ва осойишталик қарор топишини, гўзал диёримиздаги тинч-осуда ҳаёт бардавом бўлишини чин дилдан сўраб, Қадр кечаларида ихлос билан дуолар қиламиз.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу шуқуҳли лаҳзаларда дунё мўмин-мусулмонларини, дўст ва ҳамкорларимизни муқаддас Рамазон ойи билан самимий қутлаб, уларнинг давлатлари ва халқларига тинчлик-омонлик, раванқ ва фаровонлик тилаймиз.

Рамазони шариф эл-юртимизга қут-барака, ҳар бир хонадонга шоду хуррамлик, янги ютуқ ва омадлар олиб келсин!

Рамазон ойи яна бир бор барчамизга муборак бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ishonch

• O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqa boshlagan

ТАИЛАНДДАН МУВАФФАҚИЯТ БИЛАН

2024 йил 5-10 март кунлари Таиланднинг Бангкок шаҳрида слаломда эшкак эшиш бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтди

Мазкур халқаро мусобақада Ўзбекистондан 13 нафар эшкак эшувчи иштирок этиб, уларнинг уч нафари Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясига қарашли Республика ихтисослаштирилган комплекс болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг халқаро тоифадаги спорт усталари - Алибек Темиргалиев, Абубакир Бўканов ва Шаҳобиддин Болтабоевлар бўлишди.

Мусобақаларда 13 давлатдан 160 нафардан ортиқ спортчи иштирок этди. Қизғин ўтган мусобақаларда анъанавий C1 йўналишида



Абубакир Бўканов

яккаликда олтин ва жамоавийда бронза, тезкор йўналишда қумуш медаль соҳиби бўлган бўлса,

Алибек Темиргалиев

яккалик ва жамоавийда бронза медалларини қўлга киритди.

Ёш ўсмирлар ўртасида қатнашган

Шаҳобиддин Болтабоев

яккалик баҳсда қумуш медаль ва жамоавийда бронза медали совриндорлигини қўлга киритди.



– Спортчиларимиз бир ярим ой давомида Бирлашган Араб Амирликларининг Ал-Айн шаҳрида ўқув машғулот йиғинида қатнашди, – дейди спортчилар мураббийси, слаломда эшкак эшиш бўйича Олий тоифали спорт устаси Иззатилла Раҳматуллаев. – Мусобақадан мусобақага йигитларимизнинг маҳорати ўсиб борапти. Шу кунларда эса ёзда Германия ва Польшада бўлиб ўтадиган лицензияланган жаҳон кубоги мусобақаларига тайёргарликни бошлаб юбордик.

Зебо НАМОЗОВА
«ISHONCH»



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 март куни Бирлашган Араб Амирликлари Президенти Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён билан телефон орқали мулоқот қилди.



Ташриф билан Доха шаҳрига борган Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Бахтиёр Саидов Қатар бош вазири ва ташқи ишлар вазири Муҳаммад бин Абдулрахмон бин Жасим Ол Соний билан учрашди.



Ўзбекистон элчихонасида Британиянинг Larwing компанияси раҳбари Дермот Майерс билан учрашув бўлиб ўтди. «Дунё» хабарига кўра, томонлар Ўзбекистонда дата-марказ ташкил этиш бўйича сармоявий лойиҳани амалга ошириш истиқболларини муҳокама қилишган.



Ўш шаҳрида Ўзбекистон-Қирғизистон қўшма демаркация комиссияси ишчи гуруҳларининг навбатдаги йиғилиши якунланди. «Дунё» ахборот агентлигининг хабар беришича, 4-8 март кунлари бўлиб ўтган музокараларда 2023 йилда амалга оширилган ишлар якунлари сарҳисоб қилинди ва 2024 йилга мўлжалланган учрашувлар жадвали тасдиқланди. Шунингдек, Ўзбекистон-Қирғизистон давлат чегарасини демаркация қилиш, демаркация хариталарини яратиш ва махсус (умумий) геодезик тармоқлар муҳокама қилинди.

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Маданият вазирлиги томонидан 2023 йилда амалга оширилган ишлар ҳамда 2024 йилдаги режаларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Рухий покланиш, яхши амалларни адо этиш, жамиятда мурувват, меҳр-шафқат ва эзгулик каби қадриятларни қарор топтиришга интилишни ўзида мужассам этган, барча мусулмонлар учун муборак Рамазон ойи кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий мамлакатлар етакчилари, ҳукуматлар, нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарлари, таниқли жамоат ва дин арбобларидан қутловлар келмоқда.

Хорижий ҳамкорлар мамлакатимизнинг кўп миллатли халқига тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва раванқ тилакларини изҳор этиб, икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга тайёрлигини тасдиқлаган.

Жумладан, қуйидагилар ўз табрикларини йўллаган:

Миср Араб Республикаси Президенти **Абдулфаттоҳ ас-Сиси**;

Бирлашган Араб Амирликлари Президенти **Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён**;

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири, Дубай амирлиги ҳокими **Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум**;

Эрон Ислам Республикаси Президенти **Иброҳим Раисий**;

Қирғиз Республикаси Президенти **Садир Жапаров**;

Ўмон Султони **Ҳайсам бин Ториқ Ал Саид**;

Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи **Абдулла II**;

Бахрайн Подшоҳи **Шайх Ҳамад ибн Исо Ал Халифа**;

Фаластин Давлати Президенти **Маҳмуд Аббос**;


Ислам ҳамкорлик ташкилоти бош котиби **Хусайн Иброҳим Тоха**;

Туркий давлатлар ташкилоти бош котиби **Кубаничбек Омуралиев**;

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти бош котиби **Хусрав Нозирий**;

«Ал-Азҳар» мажмуаси раҳбари **Шайх Аҳмад Ат-Тоййиб**.

Қутловлар келишда давом этмоқда.



ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ «БАҲОР»И

Ансамбллар кўп, аммо улар ичида «Баҳор» – Ўзбекистоннинг ташриф қоғози, унинг ғурури ва миллий бойлиги эканлиги ҳеч биримизга янгилик эмас. Илгари ушбу ансамблни «Мукаррама опа ва қирқ гўзал» деб аташган. Ансамбль муайян танаффусдан сўнг, Юртбошимизнинг саяёҳ-ҳаракатлари билан яна қайта тикланди ва кетма-кет концерт дастурлари билан мухлисларни хурсанд қилмоқда.

Куни кеча «Баҳор»нинг Ўзбекистон касабаси уюшмалари саройида навбатдаги «Янги Ўзбекистоннинг янги баҳори» деб номланган концерт дастури бўлиб ўтди.

Бугунги кунда ансамбль репертуаридан кўп асрлик анъанавий рақс маданияти билан уйғунлаштирилган 200 дан ортиқ якка-хон ва жамоавий рақс ўрин олган. Концерт давомида миллий рақс санъатининг мумтоз ва замонавий ижро намуналари уйғунлигига эришган назокатли раққосалар томонидан ижро этилди.

Концертда хонанда Аслиддин Дўстов меҳмон бўлди ва ўзининг рақсбоп шўх тароналари билан барчани рақсга чорлади.

– Биз аёллар учун байрам концерти уюштирилганга катта раҳмат, – дейди Нигина Исмоилова. – Тўғриси, бир-биридан нафис ва гўзал рақсларни мириқиб томоша қилдим. Айниқса, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Маъмуржон Мердаевнинг «Доира садоси» деб номланган халқ куйини катта маҳорат билан ижро этганига қойил қолмасликнинг иложи йўқ.

Дастурнинг кизикарли ўтишида концерт режиссёри, бадий раҳбар ва балет-мейстерларнинг чинакамига изланиш йўлидан борганликларини томошабинларнинг гулдўрос олқишларидан ҳам сезиш мумкин бўлди.

Миллий рақсларимиз янада жонлангани, мухташам саройларда концерт бераётгани қувонарли албатта.

– Бугунги «Баҳор»да 30 га яқин ёш қизлар рақс сирларини ўрганмоқда. Фидойилик билан, бор маҳоратимиз билан ўргатмоқдамиз. Ҳар йили ўз дастуримиз билан хорижга ҳам чиқиб турибмиз. Раққосалар бугунги концертга нақ икки ой қаттиқ тайёрланишди, – дейди бадий раҳбар ва бош балетмейстер – Зиёда Мадрахимова.

Дилором ХУДОЙБЕРГАНОВА
«ISHONCH»



Қашқадарё
вилояти

Нодавлат секторда

ЭЪТИРОФГА ЛОЙИҚ ИШЛАР

«Индорама Агро хорижий корхонаси» МЧЖда ишчи ва ходимларни касаб
уюшмаси афзалликларидан бахраманд
этиш, уларга муносиб меҳнат ва дам
олиш шароитларини яратиш борасида
обратли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, яқинда корхона ишчи-ходимлари ўртасида мини-футбол мусобақаси ташкил этилди. 12 та жамоа қатнашган турнирда «Муғлон» футболчилари биринчи, «Агрономлар» ҳамда «Қўриқчилар» жамоалари кейинги ўринларни эгаллашди. Бу жамоалар касаб уюшма қўмитаси томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Шунингдек, 63 нафар ходимнинг Самарқанд шаҳрига саёҳати уюштирилди. Саёҳат асосида кўхна ва ҳамиша навқирон шаҳардаги ўзгаришлар, чуқур ўтмишимизни ўзида мужассам этган тарихий ёдгорликлар ишчи-хизматчиларда катта таассурот қолдирди.

Кези келганда, жамият касаб уюшма қўмитаси раиси Авазмурод Бобоевнинг ташаббускорлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Чунки жамоада ходимларнинг бўш вақти бесамар кетмаёпти. Спорт тадбирлари ва саёҳат уларга жўшқинлик, кўтаринки руҳ ҳамда мароқли ҳордиқ онлари тақдим этгани билан эътирофга лойиқ.

Илҳом ОМОНОВ,
Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат
кўрсатиш соҳалари
ҳодимлари касаб уюшмаси
Қашқадарё вилояти
бирлашган қўмитаси раиси



Бухоро
вилояти



Миннатдорлик

ЎН ЙИЛЛИК ОРЗУИМИЗ УШАЛДИ

Турмуш қурганимизга 12 йилдан ошди.
Ёлғиз фарзандимиз 11 ёшга тўлди. Аммо
мен аёлим билан болаларимиз кўп
бўлишни орзу қилардик. Иккинчи марта
ота-она бўлиш бахтига эришишни қа
рийиб ўн йил кутдик. Шу вақт мобайнида
муолажа олмаган шифокоримиз, борма
ган табибимиз қолмади. Афсуски, булар
нинг ҳеч биридан натижа чиқмади.

Охирги илинж шу бўлдики, «Умид гулшани» санаторийсида муолажа олишга қарор қилдик. Жондор туманидаги фермер хўжалиқларининг биринида ишлаганимиз туфайли туман Агросаноат мажмуи ходимлари касаб уюшмасига йўлланма сўраб мурожаат қилдик. Турмуш ўртоғим иккимизга йўлланма ажратишди. Бордик, кўриқлардан ўтиб, муолажаларни олдик. Не бахтки, шу муолажалар сабаб узоқ кутилган фарзанд неъматини билан Яратган яна бир марта бизни сийлади. Нуридийдамиз соғ-саломат дунёга келди. Бундан ниҳоятда бахтиёрмиз.

Тўғри, фарзандни бергувчи Аллоҳ. Аммо ўн йиллик орзумиз ушалишига сабабчи бўлганларга, яъни санаторий йўлланмаси билан таъминлаган ходимларга, санаторийда муолажа қилган шифокорларга чин дилдан миннатдорлик билдираман.

Самариддин ЖАМОЛОВ
Жондор тумани



Хоразм
вилояти

Хоразм вил
ояти қури
лиш ва
уй-жой
коммунал
хўжали
ги соҳа
сида ҳуд
удий
назорат
инспек
цияси
каса
ба уюш
ма қўми
таси ва
маъму
рияти
ўртаси
да таъ
зилган
жамоа
шартно
ма
сининг
2023
йилда
бажа
рили
ши бўй
ича ме
ҳнат
жамоа
асининг
умумий
йиғили
ши бў
либ ў
тди.



Томонларнинг ҳисоботларини тинглаган ходимлар келишувлар бажарилишини бир овоздан қониқарли деб топдилар. Иш ҳақларининг ўз вақтида берилиши, бўш вақтларни мазмунли ўтказиш мақсадида қўрилаётган чора-тадбирлар, меҳнат муҳофазаси кучайтирилаётгани, уюштирилаётган спорт мусобақалари, саёҳатлар, кўрсатилаётган моддий ёрдамлар ходимларнинг розилигига хизмат қилмоқда.

Йиғилишда Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индус

ҚУРУВЧИЛАР ҚЎЛЛАБ- ҚУВВАТЛАНМОҚДА

трияси ходимлари касаб уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Баҳодир Султонов сўзга чиқиб, кейинги йилларда юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, давлатимиз томонидан соҳага қаратилаётган эътибор, касаб уюшмалари томонидан қурувчиларни қўллаб-қув

ватлаш борасида қўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида атрофлича тўхталди.

Камолиддин РЎЗМЕТОВ,
Транспорт, йўл ва капитал
қурилиш, қурилиш индустрияси
ҳодимлари касаб уюшмаси
Хоразм вил
ояти кенгаши раиси



Фарғона
вилояти

МУНОСИБ МЕҲНАТ ШАРОИТИ ЯРАТИЛАДИ

Фарғона шаҳар ободонлаштириш бошқармаси маъмурияти ва бошланғич касаб уюшма қўмитаси 2023-2025 йилларга мўлжалланган жамоа шартномаси юзасидан ишчи-ходимларга ҳисобот берди.

Айни вақтда бошқармада 1 минг 300 нафар ишчи-ходим меҳнат қилмоқда. Уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари амалдаги жамоа шартномаси орқали ҳимоя қилинмоқда.

Хусусан, жамоа шартномасида ходимлар даромадларини ошириш, уларни ҳар тарафлама рағбатлантириш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, саломатликларини мустаҳкамлаш масалалари ўрин олган. Аҳамиятли жиҳати, ўтган давр мобайнида жамоа шартномаларидаги бандларнинг бажарилиши ҳисобига ҳар бир касаб уюшма аъзосининг манфаатдорлик даражаси ошиб борди.

Ҳисоботда таъкидланганидек, ўтган йили моддий ёрдамга эҳтиёж сезган ходимларнинг 122 нафарига кўмак кўрсатилди. Ишда намуна кўрсатган ишчилар моддий қўллаб-қувватланди.

15 нафар хизматчи йўлланмалар асосида касаб уюшмалари тасарруфидаги турли сихатгоҳларда саломатликларини мустаҳкамлади. 28 нафар ходимнинг фарзандлари ёзги болалар соғломлаштириш оромгоҳларида дам олиб қайтишди. Шунингдек, 24 нафар ишчи Бухоро, Самарқанд ва Хива шаҳарларига саёҳатга юборилди.

Спорт – саломатлик гарови. Шунинг учун ҳам ишчи-ходимлар ўртасида спорт мусобақалари мунтазам йўлга қўйилган.

Машваратда ишчи-ходимлар ўзларини қийнаб келаятган муаммоларни ҳам ўртага ташлади. Мутасаддилар уларга тез фурсатларда ечим топилишини қайд этишди.

Жамшид ЭРҒАШЕВ
«ISHONCH»



Жиззах
вилояти

ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН

«Жиззах аккумулятор заводи» АЖда жамоа шартномасининг 2023 йилда бажарилишига бағишланган конференция бўлиб ўтди. Унда корхона техник директори Шўҳрат Умаров ва касаб уюшма қўмитаси раиси Улуғбек Ўрозбоевнинг маърузалари тингланди.

«Жиззах аккумулятор заводи» акциядорлик жамияти металлургия ва машинасозлик саноати тармоғидаги йирик корхоналардан бири бўлиб, бутунги кунда 621 нафар ходим меҳнат қилмоқда.

Иш берувчи ва ходимлар ўртасидаги меҳнат муносабатлари амалдаги қонунлар ва норматив ҳужжатлар ҳамда жамоа шартномаси қоидаларига монанд-мос равишда тартибга солинганлари, айтиш мумкинки, ўз самарасини бераётган.

Барча ишчи-ходимларнинг тиббий қуриқдан ўттишлари таъминланди. 17 нафарни республикамизнинг тарихий обидалари, қадамжоларига зиёрат ва саёҳатларга юборилди. Иш ҳақи сақланбга қолганидан ижтимоий таътилар берилди.

Туриш политехника, Тошкент давлат техника, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент кимё-технология ва Жиззах политехника институтларининг 50 нафардан зиёд талабалари ўқув ишлаб чиқариш амалиётларини ўтказиш, уларнинг инновацион тажрибалар асосида малакали мутахассислар бўлиб етишишига шароит яратиб берилди. Ишлаб чиқаришдан ажрамаган ҳолда таҳсил олишни давом эттираётган ходимларга ўқишдан бўш пайтларда ишлашига шароит яратилди. Ойла қураётган 17 нафар, даволаниши, ота-онаси, турмуш ўртоғи ва фарзандларини даволатишлари учун 10 нафар ходимга моддий ёрдам кўрсатилди.

Ҳисобот даврида меҳнат қонуларининг бажарилиши, ходимларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, иш ва дам олиш шароитларини яхшилаш бўйича амалга оширилган ишларга алоҳида тўхталинди. 43 нафар ходим фарзандлари «ЭНЕРЖИ» болалар соғломлаштириш оромгоҳларига юборилди, 41 нафар ходимга санаторий-

ларга йўлланмалар берилди. Бундан ташқари, байрамларда фаол касаб уюшма аъзоларининг рағбатлантирилиши йўлга қўйилди.

Соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида корхонанинг спорт-соғломлаштириш мажмуасида ходимларнинг ишдан бўш вақтларида шугулланишлари учун барча шароитлар яратилган. Уларни жисмоний чиниктириш, спорт соҳасидаги қобилиятини намоён қилишлари учун цех, участка ва бўлимлар ўртасида мини-футбол, шахмат-шашка, стол тенниси, армрестлинг, югуриш турлари бўйича мусобақалар ташкил этилди. Ғолиблар тегишли тартибда пул мукофотлари ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Ўтган йилнинг августида Андижон вил

лоятда Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаб уюшмаси Республика кенгашининг тармоқ корхоналари ишчи-ходимлари ўртасида ўтказилган «IV тармоқ спартакиадаси»да корхона жамоаси мини-футболда фахрли биринчи ўринни ва кўчма кубокни қўлга киритди. Тармоқ ходимлари касаб уюшмаси Республика кенгаши томонидан ўтказилган «Энг яхши жамоа шартномаси 2023» қўриқ-танловининг республика босқичида эса фахрли 3-ўрин насиб этди.

Муқимбой ИСМОИЛОВ
«ISHONCH»



Навоий
вилояти



Кайд этилишича, жамоа шартномасида қўрсатилган имтиёзлар учун 339 миллиард 427 миллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилган. Шундан 173 миллион сўмдан зиёди ижтимоий ҳимояга муҳтож соҳа вакилларини қўллаб-қувватлаш учун ажратилди. Ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, ички туризмни ривожлантириш каби йўналишларда ҳам кенг қўламли ишлар олиб борилди.

Жумладан, «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил» дастури доирасида минг нафарга яқин ишчи-хонда тарихий қадимжоларга саёҳатга юборилди.

Спорт тадбирларини ташкил этиш, ғолиб ва совриндорларни тақдирлаш ишларига касаб уюшмаси ҳисобидан 304 миллион 563 мингдан ортиқ маблағ сарфланди.

Бундан ташқари, кам таъминланган, кўп болали, қарамогидан ногирон фарзанди бор оилалар, яқка-ёлғиз кексалар, ишлаб чиқариш ногиронлари, фронт орти меҳнат фахрийлари моддий ва маънавий қўллаб-қувватланди.



Сирдарё
вилояти

БИРДАМЛИК САМАРАСИ

Сирдарё вил
ояти фавқулодда
вазиятлар
бошқармасининг
навбатдаги
машварати
жамоа шартномаси
амалда қандай
ишлагани
хусусида бўлди.

Жамоада айни пайтда 555 нафар ходим фаолият юритмоқда. Кутқарувчилар бўш вақтларида ўз устида ишлашни асосий машғулотга айлантиришган. Шу билан бирга, улар касбий тайёргарликка муҳим эътибор қаратадилар.

– Касаба уюшма қўмитаси ижтимоий-иқтисодий, меҳнат муносабатларига оид масалаларни, шунингдек, ҳуқуқий муаммоларни ҳал этишда муносиб хизмат қилапти, – дейди қўмита раиси Рустам Бойбеков. – Бундан ташқари, маданий-маърифий тадбирларни ташкил этишда ҳам жонбозлик кўрсатаймиз. Ходимларни моддий рағбатлантириш, меҳнатни муносиб тақдирлаш, сихатгоҳларга, дам олиш маскан-

ларига йўлланма бериш каби вазифалар ҳам диққат марказимизда.

Йиғилиш чоғи ташкилий масала қўрилди ва бир овоздан Тоҳир Қурбонов касаб уюшма қўмитаси раиси этиб сайланди. Сўз олганлар келгусида ҳам уюшма билан раҳбарият ўзаро бирдамликда ходимлар манфаати учун хизмат қилишига тилак билдиришди.

Анваржон ТУРСУНОВ,
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати
ҳодимлари касаб уюшмаси
Сирдарё вил
ояти кенгаши
етакчи мутахассиси



Самарқанд
вилояти

БАРЧА ЖАБҲА ЭЪТИБОРДА

Самарқанд автомобиль заводида жамоа шартномасининг 2023 йил ижросига бағишланган конференция бўлиб ўтди.

Унда қайд этилганидек, жамоа шартномасида кўзда тутилган 228 банддан иборат қўлайлик ва афзалликларнинг 220 таси ўзининг амалдаги ижросини топган. Айни чоғда маъмурият ва касаб уюшмалари сатй-ҳаракати билан жамоа шартномалари орқали ҳар бир ходимга сарфланаётган маблағ микдори 12 миллион сўмни ташкил этмоқда.

Ўтган даврда корхона ходимлар меҳнатини муҳофазалашга 1 миллиард 600 миллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди. Жумладан, ишчи қоржомалари ҳаридига 2 миллиард, зарарли иш шароитида банд бўлган ходимларга сут-қатик махсулотларига 500 миллион сўм сарфланди. Шунингдек, соғлиқ учун зарарли ҳисобланган вазифаларда меҳнат қилаётган хизматчиларга 3 миллиард сўмдан зиёд қўшимча маблағ ажратиб келинмоқда.

– Меҳнат ҳафсизлиги тартибларига қатъий амал қилиниб, имкон қадар ишлаб чиқариш билан боғлиқ жиддий кўнгилсизликларнинг олди олинмоқда, – дейди корхона мутахассиси Темур Абдуллаев. – Шундай бўлса-да, ўтган йилда олти марта кичик кўнгилсизлик рўй берди. Яхшиямки, ҳеч ким жиддий зарар кўрмади. Умуман, бундай ҳолатлардан ҳар бир ходим

тўғри ҳулоса чиқариб, ҳушёрликни янада оширмоқда.

Маъмурият ходимларни чиниктириш, саломатлигини мустаҳкамлаш учун барча шароитларни яратиб берган. Хусусан, ўтган йил мобайнида спорт ривожига 107 миллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. 47 нафар ишчи касаб уюшмалари тасарруфидаги сихатгоҳларда соғломлаштирилди, 150 нафар ходим ички туризм йўналишида саёҳатга юборилди.

– Заводимизда ўтказилаётган оммавий спорт тадбирларида фаол иштирок этаймиз, – деди муҳокамаларда сўзга чиққан муҳандис-конструктор Файзулла Бобоназаров. – Аксар ҳолларда спортнинг маълум турларидагина мусобақалар ташкил этилмоқда. Назаримда, уларнинг турини кўпайтириб, қўшимча спорт анжомларига ажратилаётган маблағ микдори ошириш керак.

Ишчи-ходимлар билдирган мана шундай тақлифлар инобатга олиниб, жамоа шартномасига тегишли ўзгаришлар киритиладиган бўлди.

Конференция делегатлари жамоа шартномасининг ўтган йилдаги ижросини қониқарли деб топишди ва келгуси режалар белгиллаб олинди.

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»



ЎЗГАРИШСИЗ ЎЗГАРАЁТГАН ТАЪЛИМ...

Ўйгоқ ўй

Билганларимни борича баён қилишдан аввал бир гап: мен таълимга бефарқ ва бегона эмасман. Чунки отам ҳам, онам ҳам ўқитувчи бўлишган. Ҳозирда акам билан укам ўқитувчи. Қолаверса, таниш-билишларим орасида ҳам муаллимлар кўп. Шундай экан, гапираман десам, гап кўп, аслида эса...

Кейинги вақтларда ижтимоий тармокларда ўқитувчилар фаолияти билан боғлиқ аянчли ва ачинарли ҳолатлар жуда кўп кузатилмоқда. Уларнинг ичида энг кўп учрайдиган «кино» – ўқитувчи ўқувчини урган ва ёки аксинча. Билмадим, муаллимнинг ўқувчига кўл кўтаришини (сабабсиз оқибат бўлмайди) қайсидир маънода тушуниш мумкин. Аммо ота-она ёки ўқувчининг муаллимга ҳезланишини, ҳақорат қилишини ҳечам ҳазм қилиб бўлмайди.

Бугун ўқитувчиларга қийин. Чунки ўқувчилар орасида циркаси сув кўтармайдиган безбетлар кўп. Улар тўғри талабни ҳеч вақт тўғри қабул қилишмайди. Сал нарсаса «бош кўтаришади» ёки ота-онасини мактабга бошлаб келишади. Бундай бошогриқлардан безган ўқитувчи нима қилади? «Бор-е...» деб, бепарво бўлади-қолади. Бундан ким ютқазади? Албатта, жамият!

Тан олиш керак, ўқитувчилар орасида институтни «каридор»да ўқиб, тугатганлар ҳам «ачиб ётибди». Бу аччиқ ҳақиқат, яъни ўқитувчиларнинг билимсизлиги, саводи ва савияси ҳаминқадарлиги айрим дарс жараёнларида тасвирга олинди, интернетга жойланаётган лавҳаларда ҳам яққол кўзга ташланыпти. Бир қарашда кулгили туюлган бу тасвирларни кўриб, кўнчилик роса «қотяпти». Йўқ, аслида, куйиш керак, куйиш...

Бундан бир неча йил бурун Андижон вилоятининг Марҳамат туманида ўтказилган бир «тадбир» интернетни «портлашиб», таълимга оид «пойга»да «улоқни илиб кетганди». Ўшанда мутасадди ва масъулларнинг «марҳамати» билан ўқитувчилар доскага, йўғ-е, саҳнага чиқиб, (ўқувчиларнинг ўқишга кириш даражаси пастлиги учун) ота-оналардан узр сўрашган эди.

Очиғи, ўша узр сўраш «пандемияси»нинг Марҳаматдаги қўрилиши бу – иллюзия! Афсуски, бу ҳолат бошқа бир ҳудудда, бошқа бир туманда, бошқа бир мактабда ҳам кузатилиши мумкин эди. Чунки...

БИЗ - БОШҚАЧАМИЗ...

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Японияда иқтисодий танглик кузатилади. Зўрга кун кўраётган одамлар солиқларни тўлашмайди. Шунда ҳукумат бу оғир вазиятдан чиқиш, бўшаб қолган бюджетни шакллантириш учун антика йўл тутади. Ҳукумат қарори билан мактабга кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ваколат берилади, яъни солиқларни тўламаган кишиларнинг фарзандлари мактабга қўйилмади. Қачонки, ота-она тўловлар тўлангани тўғрисидаги «квитанция»ни мактаб маъмуриятига тақдим этсагина, фарзанди ўқишга қабул қилинади ёки синфдан синфга ўтказилади. Бу ёндашув тезда ўз самарасини беради. Японлар болаларини ўқитиш учун тиш қавагида асралган нарсалардан ҳам воз кечишади.

Энди тасаввур қилинг: бизда ҳам шунга ўхшаш «янгилик» жорий қилинса, нима бўлади? Менимча, мактаблар хувиллаб қолади. У-бу нарсасини сотиб бўлса-да, солиқларни тўлаб, фарзандини мактабга жўнатиш ўрнига «Нима... яхши бўлибди, бор, молингни қол», «Аравангни торт...», «Ишингни қил...» дегувчи ота-оналар ҳамма жойда топилади. Топилганда қандок!

Орамизда шундай ота-оналар борки, улар дарс қилаётган дилбанди билан бирга шуғулланиш ўрнига унга бир дунё иш буюради. Ёки баҳорда экин экиш, кузда ҳосилни йиғиштириш мавсумида боласини мактабга жўнатмасдан, мардикорликка чиқарадиган ота-оналар йўқми? Бор!

Агар яқинда жорий этилган янги амалиёт бўйича Миллий гвардия вакиллари кузда ёки баҳорда мактаблар-

даги давоматни текширишса, менимча, ҳақиқий манзара намоён бўлади. Ўзи шу Миллий гвардиянинг мактабга «қўшин киритиши» ҳақида кўп фикр-мулоҳазалар билдириш мумкин. Бу – алоҳида мавзу!

Хуллас, фадзандининг келажагига бефарқ қарайдиганлар бор экан, ўқувчиларнинг билим даражаси ва давомат масаласида бечора ўқитувчилар айбсиз айбдор бўлиб қолаверади. Аслида, боласини мавсумий ишларга жўнатадиган ота-оналарнинг барчасини ҳам буткул қоралаб бўлмайди, уларга ҳам қийин. Улар имконсизликдан, иложсизликдан шундай йўл тутишади.

Таълим ҳақида Япониядан яна бир мисол: Иккинчи жаҳон урушидан кейин мамлакатни оёққа турғазиш учун билимдон ва етук кадрларга эҳтиёж сезилади. Япония императори ҳукуматдаги мулозимларни ёнига чорлаб, мамлакат бўйича энг иқтидорли ёшлардан 400 нафарини танлаб олишни ва уларни хориждаги нуфузли олий ўқув юртиларига ўқишга юборишни, бу жараёнда ҳеч қандай таниш-билишчиликка йўл қўймаслиқни таъинлайди. Шундай қилиб, турли фанлар бўйича энг иқтидорли болалар бир неча босқичдан иборат имтиҳонлар асосида саралаб олинади. Ҳар хил соҳалар бўйича хорижга ўқишга юборилаётган ёшларни шахсан императорнинг ўзи қабул қилиб, улардан яхши ўқиб-ўрганишни, чет элдаги шарт-шароитлар Япониядагидан зўр бўлса-да, бунга эътибор бермасдан, юртга қайтиб келишни ва бор билим-тажрибаларини мамлакат тараққиёти учун сарфлашни сўрайди. Маълум муддатдан сўнгра, ўша 400 нафар талабадан бирортаси ҳам хорижда қолиб кетмайди, ҳаммаси қайтади. Буни юртга сadoқат дейдилар!

Йиллар ўтади... Кейинчалик эътироф этилишича, кунчиқар юртни дунё тан олган давлатга айланатириш концепцияси 4 та «устун»дан иборат бўлган экан. Ва айнан ўша 400 нафар кадр 4 та устуннинг бири бўлади.

Бизда ҳам бир вақтлар «Умид» жамғармаси ташкил этилганди. Ёшларимиз эзгу мақсад-ниятлар билан дунёдаги энг илғор мамлакатларга давлат ҳисобидан ўқишга юборилганди. Лекин уларнинг ҳаммаси ватанга қайтмади-ку! Айнан шу қайтмаслик лойиҳанинг тўхтатилишга сабаб бўлмадики? Маълумот учун: «Умид» жамғармаси кўмағида 1997-2003 йиллар давомида дунёнинг нуфузли олий таълим муассасалари (АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Япония, Канада, Италия)нинг бакалаврият ва магистратура таълим йўналишларида жами бўлиб, 828 нафар истиқболли ёшлар тахсил олган.

Агар таққослайдиган бўлсак, бизда четда ўқиганлар сони японларга нисбатан икки баравар кўп. Аммо натижа?..

Дарвоқе, юртдошларимиз орасида турли хорижий грантларни ютиб, ўзлари ҳаракат ва ҳаражат қилиб, хорижда тахсил олганлар ҳам, малакасини оширганлар ҳам кўп. Инчунин, қайтмаганлар ҳам...

Хўш, қайтмасликка сабаб нима? Албатта, иш, тақсимот, муносабат, маош масаласи ва айрим «тоифа»лар...

«ТОИФА»

Таълимдаги кадрларни уч тоифага бўлиш мумкин. Биринчиси – билимли, салоҳиятли; иккинчиси – кимнингдир кими; учинчиси – «кўкат»нинг қуввати билан юрганлар.

Афсуски, тизимда иккинчи ва учинчи тоифадаги кимсалар ҳам йўқ эмас. Узоқ ва яқин йилларда соҳада шундай «иш»лар кузатилдики, уларни кўриб, ёқа ушлайсан, киши. Ўқишни битириб, меҳнат фаолиятини бошлаганига бор-йўғи икки-уч йил бўлган ходимнинг «бир думалаб» мактаб директори бўлиб қолиши ёки узоқ йиллар мактабда ишламасдан, «Дамас»да киракашлик қилиб юрган собиқ ўқитувчининг туман халқ таълими бўлимига мудири бўлиши нимани аңглатади? Ёки иши, фаолияти умуман қониқарсиз деб топилиб, ҳисобот йиғилишида мудирдан гап эшитиб, ҳамкасблари (мактаб директорлари) олдида изза бўлган раҳбарнинг эртаси кунийқ бошқа мактаб жамоасига директор сифатида таништирилиши – бу нима? Бу – яшасин, таниш-билишчилик, бор бўлсин, коррупция дегани!

Таълимда яна шундай тоифадаги кишилар борки, улар учун халқ таълими – «етти хазина»нинг бири. Мен бир мудирани билардим. У мактабларга таълим сифатини ошириш, шарт-шароитларни яхшилаш учун эмас, кўпроқ «Йиғ-йиғ», «бер-бер» учун борарди. У улғў даргоҳлардан пуллашга арзыйдиган нарсаларни олиб кетишга шу даражада «астойдил» ҳаракат қилардики, керак бўлса, бузиб-узиб олиб кетарди.

Мен яна бир мактаб директорини билардим. У ўқитувчиларга (билдирмасдан) мукофот пуллари ёзиб, «ютиб юборган». Энг қизиги, бу ҳолатдан таълим мудир хабардор. Аммо директор бир йилдан бери бемалол ишлаб юрибди. Таажжуб...

Маълумки, ҳар йили таълим сифатини яхшилаш, соҳани ривожлантириш учун бюджетдан жуда-жуда катта миқдорда маблағ ажратилади. Афсуски, бу маблағ тўлиқ мақсадли ва манзилли ишлатилмапти. Миллиардларни ўмарлиш, ўзлаштириш бор. Таълим вазирлиги коррупцияга ботган ташкилотлар рўйхатида «кучли бешлик»ка киргани бежиз эмас, албатта.

САВОДЛИ САВОДСИЗЛАР

Бир вақтлар оддий қишлоқ мактабини битирганларга ҳам Россия ёки бошқа давлатлардаги олий ўқув юртиларига кириш чиқора эди. Чунки улар билимли бўлишган. Уларга ҳақиқий билимдонлар, ўз касбининг фидойилари дарс беришган. Бугун-чи?

Бугун мактабларда билимсизлик борлиги бор гап. Ўз устида ишлайдиган ўқитувчилар кам. Қоғозбозлик кўп, тадбирбозлик кўп. Ўйинқароқ ўқувчилар учун ким дарсин бўш бўш, ким талабчан бўлмаса, ўша – энг зўр муаллим.

Билимли, салоҳиятли ўқитувчилар ҳамма жойда ҳурмат ва эътиборга лойик. Лекин, афсуски, улар ҳам устозликка нолыйқ, «алифни қалтак» дейдиган «педагог»ларни кўриб, кўп нарсаса кўз юмиши, бамайлихотир юриши мумкин.

Хўш, мактаблардан саводли саводсизлар нега бу даражада кўп чиқапти? Бунга асосий сабаблардан бири шуки, ўқитувчи дарс ўтаётганда унинг фикр-хаёли дарсда эмас, кўпроқ уй-рўзғор

ташвишларида бўлади. Чунки маош бўш қопни тик турғазига етмайди. Муаллимларда эса бўш қоплар кўп...

Энди ўзингиз айтинг, дарсдан чиқиб, киракашлик ёки мол бозорда даллоллик қилаётган ўқитувчилардан нимани куттиш мумкин?! Ёки бўлмаса, олти ойлик (пуллик) курсларда ўқиб, мутахасссигини ўзгартирган муаллимлардан-чи?..

Мактабда ўқувчи айниса, ўқитувчи кўп чалғияпти. Яъни таълим кераксиз даражада керагидан ортиқ ислоҳ қилинди ва қилинмоқда: турли дастурлар ишлаб чиқилди, дарсликлар номигагина янгиланиб, ҳар икки-уч йилда қайта нашр қилинаверди, миллат учун энг керакли фанлар – тарих, она тили ва адабиёт дарслари қисқартрилди...

Қизик, қачонгача ўқитувчилар ислохотлар қурбони бўлишади?

ЭРКАКЛАР

КАМ МАКТАБ...

Агар эсласангиз, Марҳаматдаги мактабда ота-оналардан узр сўраган ўқитувчиларнинг аксарияти хотин-қизлар эди.

Ҳа, мактабларда эркак ўқитувчилар кам, айниқса, шаҳарда! Нега эркаклар мактабдан қочишяпти? Олий ўқув юртини тугатиб, ўқитувчилик қилмасдан юрганлар ҳам кам эмас. Бири маош камлиги, бири мактабдаги муҳитдан кўнгли тўлмагани, бошқаси эса аёл раҳбарнинг қўлида ишлаш ёқмагани учун мактабдан нарида юрибди.

Хўш, кейинги ўттиз йилда педагогика олий ўқув юртиларини битирган эркаклар мактабга қайтишга қўлида қанча кўп бўлса, бу – таълимга ҳам, тарбияга ҳам, ва албатта, муҳитга ҳам таъсир қилади.

Биз таълимга масъул ўқитувчилардан тарбия масаласида ҳам кўп нарсани талаб қилияпти. Аслида эса, тарбия оиладан бошланади. Хулқи, руҳияти уйда ўзгарган ўқувчини мактабда тарбиялаш мушкул, «қуш уясиди кўрганини қилади».

ТЎРГА ЧИҚИНГ, МУАЛЛИМ!

Ижтимоий тармоқда «Qishloqlik o'qituvchi» деган анча машҳур профил бор. Унинг эгаси таълимга, мактаб ҳаётига оид бир дунё муаммоларни бирда киноя, бирда ҳазил билан баён қилиб туради. Унинг қулиб-қуйиниб ёзганлари кўпчилик учун таниш ҳолат, яъни айни ҳақиқат!

Ҳеч аҳамият берганмисиз, жорий қилинаётган шунча ўзгаришлар ва янгиларга қарамадан, тизимда ҳолат ўзгармапти, аксинча, «ҳолат»лар кўпаймоқда. Нега?

Кўп жойларда замонавий мактаблар қурилди, шарт-шароитлар, имкониятлар ўзгарди, бу яхши, аммо, афсуски мактабда билим бериш ўзгармади. Нимага?

Таълим тизимида шундай тизим яратиш керакки, токи ишлайдиган тизим бўлсин!

Ўқитувчининг ҳурмати, нуфузи қачон ошади? Қачонки, давлат ва жамият уни ҳурмат қилса, нуфузини оширса!

Ўқитувчилик энг нуфузли касблардан бирига айланган мамлакатларга бир қаранг, улар қанчалар тараққий этган. Бунга мисоллар жуда кўп ва бу кўп нарсани аңглатади...

Алижон АБДУРАҲМОНОВ
«ISHONCH»



ТВ да мулоқот маданияти керак

«Одамлар телевизор кўрмаяпти» деган иддао ора-орада айтилади ва албатта, бунда жон бор. Сабаби – аҳолининг катта қисми, асосан ёшлар ахборотни телевидениедан эмас, интернетдан олмоқда. Аммо маълум бир қатлам барибир телевизор кўраверади. Бу ҳам айни ҳақиқат. Яна бир ҳақиқат шуки, телевиденидаги айрим кўрсатувлар сифатини ошириш пайти аллақачон етиб келган. Чунки бугун оддий одамлар ҳам айрим бошловчи ва журналистларнинг «маҳорати»ни баҳолаб, уларнинг экрандаги бачканалиги, ўзини туттиши, тил қоидаларини менсимаслиги кабилардан жаҳли чиққанини, асаби бузилаётганини ёзмақда.

Масалан, хусусий телеканаллардаги барча кўрсатувларда суҳбатдошлар билан мулоқотда адабий тил қоидаларига риоя қилинмайди. Бошловчилар кўрсатувларини асосан шевада олиб боришади. Айрим кўрсатувларда суҳбатдошни изза қилиш, оммалашиш учун ҳар қандай безбетликдан ҳам тойишмайди. Мазкур «юлдуз» бошловчиларнинг видеоконтентини томоша қилган ёшлар «Одамларни жалб қилиш учун ҳар қандай бачканалик қилиш мумкин экан, муҳими, обуначиларнингни кўпайтириб олсанг, бўлди» деган хаёлга боришмоқда.

Аслида, журналист ёки ахборот улашаётган ҳар қандай инсон аввало мавзуга холис ёндашиши, суҳбатдошини ҳурмат қилиши лозим. Интервью олиш жараёнида журналист суҳбатдошидан фикр олишга, мавзунинг кўпчиликлари маълум бўлмаган томонларини очигиша ҳаракат қилиши керак. Интервью жанри ва мулоқот жараёнидаги яна бир муҳим жиҳат, бу суҳбатдошини яхши тинглай олишидир. Тинглай олиш керакли ва фойдали гапирмадан ҳам мушкул иш. Ҳар қанча зўр журналист бўлмасин, суҳбатдошни тинглай олмаса, унинг ички дунёсини, қираларини очиб бериши қийин. Чунки суҳбатдош ўзининг тингланмаётганини ич-ичидан ҳис қилиб туради ва суҳбатга юзаси ёндашади. Шу боис кўпича маҳоратли журналистлар қаҳрамонлари билан суҳбат уюштирганида суҳбатнинг бошида эмас, кейинроқ ўзларига керак бўлган гапларни «чиқариб» олишади. Сабаби узоқ тинглаш, зарур ўринларда унинг фикрларига муносабат билдириш, керак бўлса, маданиятли баҳслашиш ҳам меҳмоннинг мавзуга юзасидан «очилиши»га туртки бўлади.

Яна бир муҳим жиҳат шуки, журналист кимнидир интервьюга таклиф этса, аввало қандай саволлар билан мурожаат қилиши мумкинлиги ҳақида олдиндан тайёргарлик кўриши, суҳбатдошини ўрганиши лозим. Чунки кўпчилик журналистлар баъзида интервьюга тайёргарликсиз келишади. Аммо «Саҳнага илк қадам қўйганингиз?», «Илк қуйлаган қўшиғингиз?», «Нечанди йил фаолиятингизни бошлагансиз?» мазмунидаги саволларни меҳмонлар ёқтирмайдилар. Бизнингча, журналист суҳбатдоши санъаткор, қурувчи, тадбиркор ёки сиёсий арбоб бўладими, у ҳақда маълумотга эга бўлмасдан интервьюга киришиши тўғри эмас.

Журналистлар интервьюда амал қилиши керак бўлган қоидаларнинг асосийларига тўхталиб ўтамиз. Аввало, мулоқот давомида интервью бераётган суҳбатдошга оғир ботадиган, ноқулай вазиятга солиб қўядиган, гапиринчи истамайдиган мавзуда суҳбатлашиш мақсадга мувофиқ эмас.

Суҳбатдошга ўзи таъриф, тасниф беришдан, ўз муаммо ва ютуқлари ҳақида маълумотга эътиборни кучайтиришдан қочиш керак.

Уялиб қолмаслик учун ҳамсуҳбатнинг ижтимоий келиб чиқини, айтилаётган масала юзасидан қандай маълумотга эга эканини билиш ҳам муҳим.

Суҳбатдошининг хурмат қилишга ўрганинг, ҳатто унинг фикрини нотўғри деб билганингизда ҳам, уни охиригача эшитинг.

Бошқа инсонларни ғийбат қилиш, уларнинг муаммолари ҳақида гаплашиш ҳам ахлоқсизлик саналади.

Инсонлар хулқ-атворида муҳим қонуниятлар бор. Агар ҳамиша шу қонуниятларга бўйсуниб яшасак, биз ҳеч қачон муаммоларга дуч келмаймиз. Бу қонуният – мулоқот жараёнида журналистнинг ҳар бир хатти-ҳаракати, суҳбатдошининг ўз кадр-қийматини ҳис этишига қаратилганлигидир. Профессонал журналист мулоқотда буни бош омил деб билиши лозим.

Гулнора МАҲКАМОВА,
ЎзЖОКУ ўқитувчиси



Абу Райҳон Берунийнинг «Бир дақиқа вақтни беҳуда ўтказганим – ҳалок бўлганим» деган ҳикматли сўзлари бор. Ҳа, вақт жуда қимматли. Аммо одамларнинг бебаҳо вақтини «ўғирлаётганлар» ҳам бор. Гап телевидениеда берилаётган рекламалар ҳақида.

Оила аъзоларингиз билан дастурхон атрофида ўтириб-сиз. «Тилбузар»дан хожатхона, қўлтиқдаги ҳидни йўқотиш, аёллар ишлатадиган воситалар, болалар тағлиги ва баъзан кишини ўғил-қизлар олдига ноқулай ҳолатга солувчи рекламалар берилади. Бошқа каналга олсангиз, афсуски, у ерда ҳам худди шу ахвол. Нима, биз шу даражада дидсиз, фаросатсиз, ақл-заковатсиз бўлиб қолдикми? Пул деб ҳамма нарсани экранга олиб чиқавериш керакми? Уят, андиша қаерда қолди?!

Бугунги глобаллашув даврида реклама ҳам керак. Менимча, телевидениеда алоҳида Реклама канали очиш керак. Кимга нима керак бўлса, ўша каналдан топиб, фойдаланиши мумкин.

Телевидение катта куч, катта таъсирга эга. У маърифат, маънавият тарқатувчи восита ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, бюджетдан Ўзбекистон телевидениесига ҳар йили жуда катта миқдорда маблағ ажратилади.

Давлатимиз раҳбари 2023 йил 22 декабрь куни Маънавият ва маърифат кенгаши-нинг кенгайтирилган йиғилишида маданият ва санъат соҳасига бир йилда 712 миллиард сўм йўналтирилганини айтиб ўтдилар. Бу жуда катта миқдор, албатта.

Нега телевидениеда энг яхши китоблар реклама қилинмайди? Бир вақтлар марка-зий газеталар ҳар куни қисқа-лўнда, тушунарли қилиб шарҳланарди. Хозир эса фақат дори-дармонлар, ичимликлар, озиқ-овқатлар ва турли воситалардан нарига ўтиляпти. Берилаётган рекламаларнинг тили ва вақти ҳақида ҳам кўп фикр-мулоҳазалар билдириш мумкин.

Ҳўш, нима учун «Реклама тўғрисида»ги қонунга тўлиқ риоя қилинмаяпти? Қонун шунчаки қозғ эмас! У одамлар манфаати учун-ку, ахир!

Равшан МАҲМУДОВ

Эъзоз

АЁЛ БОРКИ ОЛАМ МУНАВВАР

«Чинобод» санаторийсида «Юрт та-ракқиёти йўлида бирлашайлик» шиори остида қатор тадбирлар ўтказилди.



Хусусан, фахрий аёллар хонадонла-рига борилиб, ҳолидан хабар олинди. Ай-никас, хотин-қизлар ўртасида шахмат-шашка, теннис, дартс бўйича ташкил этилган муносиба қизгин тус олди. Дам олувчилар орасида эса «Аёл борки олам мунаввар» шиори остида энг кўп муто-лаа қилган китобхон аниқланди.

Таъкидлаш жоизки, Ёшлар ва биз-несни ривожлантириш йилида ёшларга ўрнак бўлари тадбирларнинг гувоҳи бўл-ди. Таассуротлар йил давомидаги ишлари-мизга унум бағишлайди, – дейди Тошкент вилоятилик тадбиркор Ҳабиба Масъудова.

Санъаткорларнинг турфа чиқи-шлари дилларни зиёга тўлдирган тад-бирларда фаол қатнашганлар санаторий маъмурияти томонидан эсдалик совға-лари билан тақдирланди.

Ваҳобжон ТОЖИЕВ,
«Чинобод санаторийси» АЖ
«Маънавият ва маърифат» кенгаши
масъул котиби

ЭЪЛОН

2022 йил 29 ноябрда Тошкент вилояти Занги-ота тумани Мудофаа ишлари бўлими томонидан Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳафсизлиги уни-верситети курсанти Мирзаева Шахнозабону Шерзод қизи номига берилган ҚҚ 4096091 рақамли харбий гувоҳнома йўқолгани маълум қилинади.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари ка-саба уюшмасы Республика кенгаши жамоаси тармоқ ходимлари касаба уюшмасы Оқолтин тумани кенгаши раиси

Раҳмат Келдиёрович БИЛОЛОВ вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдард-лик билдиради.

4 Ishonch KO‘ZGU

To'y va ta'ziyag'a sarf qilinaturgon oqchalarimizni biz, turoniyalar, ilm va-din yo'lig'a sarf etsak, anqarib ovrupoyilardek taraqqiy etarmiz va o'zimiz-da, dinimiz-da obro'y va rivoj topar. Yo'q, hozirgi holimizg'a davom etsak, din va dunyog'a zillat va miskinatdan boshqa nasibamiz bo'lmaydur.

Mahmudxo'ja Behbudiy



ҲАР БИРИМИЗНИНГ ИЧИМИЗДА БИР ЖАДИД УЙҒОНСИН!

Айни вақтда жадидлар мавзуси анча долзарблашди. Энг аввало, адабиёт ва илм аҳли олдида уларнинг мақсад ва вазифаларини дастуриламал сифатида қўллаш, ижодий меросини ўрганиш масаласи кўндаланг турибди.

МАНБАШУНОС ОЛИМА ХАВОТИРИ

– Хурлик ва янгиликка ташна, очик фикрли бўлган жадидлар ҳақида кўпчилик ОАВ оркали жўшиб гапирётганига гувоҳ бўляпмиз. Бу яхши, албатта. Аммо қачонгача халқимизга, ёш авлодга жадидлар ҳақидаги гапларни тақдим этамиз? Қачон уларга жадидларнинг асл гап-сўзларини, китобларини берамиз? – дейди жадидчилик мавзусида кўп йиллардан буён илмий изланиш олиб бораётган филология фанлари доктори Шахноза Назарова. – Мен кўп йиллар Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида, Алишер Навоий номидаги давлат Адабиёт музейи архивида ва Миллий кутубхонада нодир қўлёзмалар ҳамда асл манбаалар билан ишладим. Хозирда ҳам шу ишмини давом эттиряпман. Бу ерларда жадидларнинг 1914-15 ва ундан кейинги йилларда илк бор нашр этилган кўплаб асарлари, тўпламлари бор. Мазкур тўпламларнинг айримлари ўрганилган. Аммо уларнинг кўпи ҳали аслиятдан ўрганилмаган. Уларнинг қоғозлари ҳам жуда эскириб кетган, қўлга олсангиз, қоғознинг ортидаги тасвири бемалол кўрасиз. Яъни, улар тобора эскириб, ёзувлари ўчиб, қийматини йўқотиб бормоқда. Менимча, етти-саккиз йилдан сўнг уларни ўқилишини иложи бўлмай қолади. Бугунги муҳим вазифа шуки, бу асарларни сақлаб қолиш керак. Минбарлардан туриб гапиравермасдан, архивларга бориш керак, жадидларнинг асарларини ўрганиш, имкон борича уларни кўчириб, электрон нусхасини олиб, янги китоблар шаклида ёшларга, халқимизга тақдим этиш керак. Афсуски, ҳозир жадидлар ҳақида гапирётганлар кўп, аммо архивларда уларнинг асарларини ўрганаётганлар кам. Яқин келажакда шундай давр келадики, ақли ёшлар «Бизга фақат жадидлар ҳақида гапирмасдан, уларнинг, асарларини беринг. Биз уларни аслиятдан ўқийлик» дейди. Биз шунга тайёр бўлишимиз зарур.

ҒОЯНИНГ ТУҒИЛИШИ

Шахноза Назарова 2023 йилда «ZabardadMedia» нашриётига таклиф билан чиқди. Таклиф қабул қилингач, нашриёт билан ҳамкорликда жадидлар томонидан бундан бир аср ва ундан олдинроқ нашр этилган, аммо эндиликда сақланиб қолмиш муаммо бўлиб қолаётган бир қатор китоблар нашрга тайёрланди. Бу китоблар «Жадид куллийети» туркумида «Сабзозор», **«Ўзбек ёш шоирлари», «Ўйғониш», «Булоқлар», «Гўзал ёзғичлар», «Адабиёт парчалари», «Улуг Туркистон», «Ичкари»** каби 8 та китобдан иборат ноёб асарлар эди. Айримларининг илк манбаалари уруминиздаги нодир қўлёзмалар орасида бир ёки икки дона бўлса, баъзиларининг асл нусхалари хориждаги кутубхоналардан топилди. Энг муҳими, бу китоблар ўқувчиларга жадид ғоялари ҳақидаги мулоҳаза ва фикрлардан ҳам қиммат нарс билан, яъни уларнинг асл ўзи билан танишиш имконини беради. Бу китоблар эски ўзбек алифбосидан ҳозирги лотин алифбосига ўтирилди ва унда ҳар бир китобнинг тили, шираси ўзгартрилмаган, ҳозирги тилимизга мосланмаган. Ҳеч нарса қўшилмаган ёки олиб ташланмаган. Улар илк бор нашр этилган 1917, 1922, 1923, 1925, 1926 йилдан буён қайта нашр юзини кўрмаган. Мазкур китобларни ўқиган ўқувчи тарихга – Чўлпон, Фитрат, Абдулла Авлоний даврига қайтади. Ўша давр одамларининг муаммолари, қат-қат бўлиб ётган азоблари билан танишади. Таълимни, маънавий ўйғонишни байроқ қилган жадидларни англайди, тушунади.

«САБЗАЗОР» – УЙҒОНИШ МУРОЖААТИ

«Жадид куллийети» **«Сабзозор»** тўпламидан бошланади. Ушбу баёз 1914 йил 22 августда Тошкентда, Илин босмахонасида нашр қилинган. 49 саҳифадан иборат ушбу тошбосма китобни илк бор Мунавваркори тўплаб, нашрга тайёрлаган. Унда Васлий, Сўфизода, Авлоний,

Хислат, Тавалло, Ажзий, Холид Саид, Мискин, Ҳамза, Мирмулла, Аҳқарий, Лайлихоним каби ижодкорларнинг миллий мавзудаги ғазал, муҳаммас ва мусаддаслари берилган.

Масалан, Сўфизода Мухаммадшарифнинг **«Ўқунлар, Оналар!»** шеърини олайлик. Унинг дастлабки сатрлариданок шеър ўша давр аёлларининг мунгли ҳаётини ўнглаш йўлидаги хайқирик эканини тушунасиз:

«Мунча ёмон шўрлади пешоналар,
Қизларимиз жорийи хоналар,
Сиз эдингиз жонлара жононалар,
Қадрингизни билмади девоналар».

Ҳар бир тўртликнинг сўнггида **«Кумри билан булбул-у бедоналар, Яхши ўкур, сиз ҳам ўқунг, оналар!»**, дея қизлар ва оналар илм олишликка чорланади. «Сабзозор»даги Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг «Аҳволимиз», Авлонийнинг «Биз налар қиламиз?», Афандиҳон Ахтариининг «Қандай аҳволдабиз», Мискиннинг «Ўз ҳолимизга бир назар» каби шеърлари, ғазаллари бошдан охир миллатга, халққа муружоатдан, миллий огоҳликка даъватдан иборат. Уларни ўқиган одам зиёлиларнинг халқ аҳволидан қанчалар изтироб чекканини англайди.

ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИНИНГ ҚАЛДИРҒОЧЛАРИ

– Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг нодир қўлёзмалар бўлимида «Ўзбек ёш шоирлари» номли ноёб бир китоб сақланади, – дейди «Zabardad Media» нашриёти муҳаррири Маъмура Қутлиева. – Бу шеърый тўплам 1922 йил Тошкентдаги «Туркистон давлат нашриёти»да чоп этилган бўлиб, 105 саҳифадан иборат. Мазкур мўъжаз китоб Туркистон халқлари учун бир ёруғлик, бир нажотдек қабул қилинган. Тўпламда Фитрат, Чўлпон, Ёлбек, Боту шеърлари берилган. Китобдан Фитратнинг 14 та шеъри жой олган ва уларнинг аксарияти 1920-21 йилларда яратилган. Бу шеърларнинг мазмун-моҳияти Фитратгагина хос бўлган ташбхларнинг ишлатилиши жихатдан Фитратнинг илгарироқ чоп этилган «Сайха» тўпламидаги шеърларни, «Юрт қайғуси» туркумидаги сочмаларни давом эттирса-да, шакл ва ифода услуби жихатдан мутлақо янги ҳодиса. Шу жихати билан ҳам тўплам янги ўзбек шеърятининг қалдирғочи саналади.

Китобдаги шеърларни ўқиб, Чўлпоннинг шеърятини анчайин юксаклигини ҳис қиласиз. Фитратнинг «Ўқитувчилар юртига», «Шарқ», «Бехбудийнинг сағанасин изладим», «Ўгут» каби шеърларини ўқиганингизда, ундаги ёниб турган ватанпарварлик ҳисси сизнинг ҳам қалбингизга кўчади. Ботунинг «Ўзбек қизига», «Етар энди!», Ёлбекнинг «Муҳит ичиди», «Ўйғон, қўнлим!», «Кўзгал» каби шеърлари ҳам ижтимоий юки баланглиги билан алоҳида ажралиб туради.

«УЙҒОНИШ» ВА «БУЛОҚЛАР»

Чўлпоннинг «Ўйғониш» номли илк шеърый тўплами миллий ўйғониш, миллий оғриқлар ҳақида. У 1922 йил Тошкентда Туркистон жумҳурияти давлат нашриётида чоп этилган. Китоб беш қисм, яъни беш фаслдан иборат: Юрт қайғуси; Умид ва имон; Чўрилар учун; Сезгилар; Севги.

Илк фасл Фитратнинг бутун Туркистонни йиғлатган ва юрагига ўт солган «Юрт қайғуси» номли шеърлар туркуми билан аталади. Чўлпон 100 йил аввал «Ёзилмоғонми бу тунлар сўнгинда тонг отмоқ?» дея хайқирган эди. Тонг отди, аммо бу шеърлар бугун ҳам миллий маърифат ва миллий хушёрликка даъват этади. «Куллийёт»даги тўртинчи китоб – Чўлпоннинг «Булоқлар» тўплами бўлиб, у дастлаб 1923 йилда Туркистон давлат нашриётида чоп этилган. Китоб мухташам «Ҳамса» каби беш қисм, яъни беш фаслдан иборат.

– Чўлпоннинг тили ҳозирги тилимизга яқин ва унинг бадиияти юксак, – дейди олим Шахноза Назарова. – Чўлпоннинг бошқалардан фарқи шуки, унинг асарлари тили ўзбек тилининг энг чиройли шаклу шамоийда ривожланишига бемисл ҳисса қўшган. Мазкур тўпламларни

аслиятдан жорий ёзувимизга ўгиришда Чўлпон ва Фитратнинг шу пайтгача эълон қилинган айрим шеърларидаги хатоликларни ҳам аниқладик. Масалан, айрим шеърларнинг баъзи сатрлари бироз янглиш ёзилган ёки бошқача ўқилган жойларини учратдик. Биз асл манбаа билан ишлаганимиз учун бу китобларда шеърларнинг асл вариантыни бердик. Бу матншунослар тадқиқ этиши, адабиётшунослар ўрганиши учун ҳам муҳим манбаа бўлади.

«ГЎЗАЛ ЁЗГИЧЛАР» ВА «АДАБИЁТ ПАРЧАЛАРИ»

«Куллийёт»дан жой олган **«Гўзал ёзғичлар»** китоби «бошланғич мактабларнинг тўртинчи бўлимлари учун тузилган ўқиш китоби» бўлиб, Ёлбек томонидан тартибланган ва 1925 йил Ўзбек давлат нашриётида 5000 нусхада чоп этилган. Унда Абдулла Авлоний, Фитрат, Чўлпон, Боту, Абдулла Қодирий, Валул Маҳмуд, Саидали, Мирмуҳсин Шермуҳаммад каби муаллифларнинг бошқа бирор тўпламга киритилмаган насрий, шеърый асарлари жамланган. Улар миллат болалари учун йўлланган.

«Адабиёт парчалари» талабалар, ўқитувчилар ва умуман адабиёт ихлосмандлари учун Абдулҳамид Сулаймон ҳамда Ашурали Зоҳирий томонидан тартибланган дарслик-мажмуа бўлиб, у 1926 йил Ўзбекистон Давлат нашриётида чоп этилган. Китоб салкам 100 йилдики, қайта нашр юзини кўрмай унутилган. Гарчи бу китоблар бошланғич мактаблар ўқувчилари, талабалар, ўқитувчилар учун, деб чоп этилган бўлса-да, аслида, бутун бир миллатга йўлланган, хурият ва маърифат руҳи билан суғорилган китоблар эди.

ЗАМОНА МАТБУОТИ

«Улуг Туркистон» деб номланган тўпламни қўлга олиб varaқлар экансиз, шу номда чиққан газетанинг кўп сонлари билан танишиб чиқкандек бўласиз. «Улуг Туркистон» газетаси 1917 йил 25 апрелдан 1918 йил 30 ноябргача нашр этилган бўлса-да, у ўз даври учунгинагина янгилик ва ахборот, таҳлил ва эркин фикр майдони бўла олган. Китобнинг биринчи ярмида шу газетда босилган мақолаларнинг айримлари берилган, иккинчи қисмида эса, газетанинг библиографияси, яъни саҳифаларида чоп этилган мақолалар мавзуси жой олган.

«ИЧКАРИ»

«Куллийёт»дан жой олган сўнгги китоб «Ичкари» номли тўплам бўлиб, бу Чўлпоннинг шу кунга қадар тадқиқ этилманган ноёб таржима китобидир. Китоб муаллифи Лола Сайфуллина ўз даврининг зиёли аёлларидан бўлиб, матбуот ишларида фаол иштирок этган.

«Ичкари» 1926 йил Ўзбекистон Давлат нашриётида эски ўзбек ёзувида нашр этилган. Китобга «Ўзбек хотин-қизлари турмушидан олинғон сочма шеърлар», дея изоҳ берилган.

Номидан ҳам айтиб турганидек, китобда ўзбек хотин-қизларининг ичкаридаги эрксиз ва қоронғи ҳаёти, илм-хунардан йироқ турмуш тарзи, кўпхотинлик муаммоси остида қолган мунгли тақдир кўрсатиб берилган. Ҳикояларнинг айримлари ижобий, аксарияти маҳзун яқун топади. Шу билан бирга, уларнинг охирида фақат илмгина аёлларни қутқаргучи маёқ эканлиги ҳақида хулосалар англашилади.

Умуман олганда, ушбу тўплам оркали ўқувчилар жадидларнинг ўй-ташвишлари, орзу-умидлари ва истаклари билан яқиндан танишишлари мумкин. Балки ўқиганингиз, бу мақола тўпламининг юздан бир мазмунини ҳам очиб беролмас. Аммо китобларни ўқисангиз, айтганларимиздан ҳам кўпроқ билим, маълумот ва ҳиссиёт оласиз.

Зеро, китобни янги даврга қайтарган жамоанинг мақсади эзгу. Яъни ҳар биримизнинг ичимизда бир жадид уйғонсин!

Зебо НАМОЗОВА
«ISHONCH»

2024-YIL 12-MART,
SESHANBA
№ 33 (4941)

MYACСIC:

O'zbekiston kasaba uyushmalar Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALIMENOV,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfulla AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira G'OYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),

Mehrididdin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Doverie»)

Bosh muharrir
Husan ERHATOV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalarini hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-90) 080-93-38
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati – (+998-99) 889-98-02
Navoiy viloyati – (+998-99) 889-90-28
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-90) 379-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir:
A. Abdurahmonov

Musahhihlar:
D. Xudoyberganova,
D. Ravshanova

Sahifalovchi:
H. Abdullajilov

Bosishga topshirish vaqt – 22:40
Topshirildi – 23:00

Bahosi kelishilgan narxda

Manzillimiz:
100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Nashr ko'rsatkichi: **133**

Umumiy adadi 35 087 ta Shundan: 7431 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasi – Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;
19 182 nusxasi «Erudit» MCHJ boshmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;
8474 nusxasi «Poligraf-Press» MCHJ boshmaxonasi – Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma ta'biq.
Buyurtma G 311

1 2 3 4 5 6